

ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Содиқов Ҳамид Махмудович – ЖДПИ катта ўқитувчиси

Содиқова Дилфуза Ропижоновна-ЖДПИ ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ёш авлодга эстетик тарбияни сингдириб боришнинг ўзига хос томонлари, эстетик тарбия ёш авлоднинг ахлоқ маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнаши, санъатга эҳтиёжни, уни тушунишни, бадий ижодда фаол қатнашишга интилишни тарбиялаш эстетик тарбиянинг биринчи навбатдаги вазифаси эканлиги айтиб ўтилган.

Калит сўзи: эстетик тарбия, нафосат, гўзаллик, эстетик ҳис-туйғу, озодалик, нафис дид, иффат, латофат, адабий-эстетик.

СВОЕОБРАЗНЫЕ АСПЕКТЫ ВНЕДРЕНИЯ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В СОЗНАНИЕ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В статье рассматриваются особенности воспитания эстетического воспитания подрастающего поколения, важная роль эстетического воспитания в формировании нравственной культуры подрастающего поколения, потребность в искусстве, понимание его, стремление к активному участию в художественном творчестве.

Ключевые слова: эстетическое воспитание, элегантность, красота, эстетическое чувство, чистота, элегантный вкус, целомудрие, изящество, литературно-эстетическое.

PECULIAR ASPECTS OF INTRODUCING AESTHETIC EDUCATION INTO THE MINDS OF YOUNG PEOPLE

Annotation. The article discusses the features of the upbringing of aesthetic education of the younger generation, the important role of aesthetic education in the formation of the moral culture of the younger generation, the need for art, understanding it, the desire to actively participate in artistic creativity.

Key words: aesthetic education, elegance, beauty, aesthetic feeling, purity, elegant taste, chastity, grace, literary and aesthetic.

Нафосат ва гўзаллик дунёси шу қадар хилма-хил, ранго-ранг, жозибали, эҳтиросли, мўъжизали, сеҳрлики, унда моддий гўзаллик билан маънавий гўзаллик уйғун ҳолда чирой очиб туради. Инсоннинг нафосат оламини англашга интилиши атроф-воқеликни англашга интилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон моддий гўзаллик дунёсини бунёд этиш жараёнида маънавий гўзалликларни ҳам кашф эта борган, яъни нафосат оламининг яратилиши жараёни уни англаш, мушоҳада этиш жараёни билан уйғунликда содир бўлган.

Эстетика ҳақидаги тушунчалар қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёда ҳам ўз тараққиётбосқичларини босиб ўтган ва ривожланган. Буни биз қадимий ёзма ва оғзаки ёдгорликлар, меъморий обидалар орқали яхши биламиз.

Эстетика – бу маънавият олами, санъат ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезиш, идрок қилиш, баҳолаш орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетик ҳис-туйғу – инсонни қуршаб турган муҳитдаги руҳий туйғу пайдо қилувчи гўзаллик ва хунуқликни, улуғловчи ва пасткашликни, фожиавийлик ва кулгилилиқни идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Эстетик эҳтиёж – эзгуликка, гўзалликка интилишдир. Бу эҳтиёж меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатлардаги гўзалликни тақозо этади. Бугунги кунда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, мустақиллик шароитида инсон омили ортиб бормоқда, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган инсонларнинг эзгу хислат-фазилатлари, онглилиги, фаоллиги, ижодий қобилиятлари ўсмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иши тобора такомиллашиб борапти.

Ҳозирги кунда эстетик тарбиянинг асосий вазифаси ҳар томонлама ривожланган ўзида маънавий бойлик (юксак ривожланган маънавий, амалий, назарий эстетик қобилиятларни) ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни мужассамлаштирган шахсни шакллантириш, ҳаёт, адабиёт ва санъатга

эстетик муносабатни, уларга юксак талабчанлик ҳамда объектив баҳолай олиш қобилиятини тарбиялашдан иборат. Мамлакатимиз табиатидаги, теварак атрофдаги гўзалликларга муносабат ва фандаги гўзалликларни англаш, жисмоний камол топиш ҳам эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Эстетик тарбия ёш авлоднинг ахлоқ маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Санъатга эҳтиёжни, уни тушунишни, бадиий ижодда фаол қатнашишга интилишни тарбиялаш эстетик тарбиянинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг халқлари бизга мерос қилиб қолдирган ёзувлари (Миххат, финикия алифбоси), Урхун-Енисей битиклари, Хоразм алифбоси, қиммат-баҳо маъданлардан олинган санъат асарлари (Мисрда фиръавн Тутанхамон маҳбарасидан топилган асори-атиқалар, Амударё хазинаси, Доро I тасвири солинган олтин тангалар, скифлар олтин буюмлари ва бошқалар), улуғвор меъморчилик обидалари (Бобил минораси, қадимги Хоразм бадиий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой хукмдорлари саройлари, ибодатхоналар деворларидаги тасвирий санъат ва хайкалтарошлик асарлари) бу мамлакатларда бадиий маданият юксак тараққий этганини кўрсатади. Илк эстетик қараш ва ғоялар қоҳинлар томонидан баён қилинганлигини бугун биз бу мамлакатлар халқлари қўлёзма меросидан, оғзаки халқ ижоди намуналаридан биламиз. Афсуски, мазкур бой эстетик мерос ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган ва илмий шарҳланмаган.

Шарқ Уйғониш даврининг эстетик тафаккури тараққиётида Кайковуснинг “Қобуснома” асари муҳим ўрин тутаяди. Кайковус бу асарини ўғли Гилоншоҳга бағишлаб ёзган. Кайковуснинг бобоси Қобус Сомонийлар ва Маҳмуд Ғазнавийлар хонадонига яқин бўлиб, уларнинг давлат бошқарув ишларида қатнашган. Китоб муқаддимасидаёқ Кайковус ўғли Гилоншоҳга мурожаат қилиб, эстетиканинг муҳим тушунчаси – гўзаллик ва унинг сўздаги ифодаси, маънавий меросига ўз муносабатини билдиради:”Билгилки,

халқнинг расми, одати шундай: югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қилади ва бу топган нарсасини ўзининг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, сен эса менинг учун энг қимматбаҳолисан”.

Гўзаллик туйғусини идрок этиш, яъни борликқа эстетик муносабатда бўлиш инсоннинг ахлоқий-ҳулқий хислатлари орқали намоён бўлиши ҳақидаги Шарқ илк Уйғониш даври мутафаккирларининг фалсафий-эстетик карашлари ислом эстетикасининг моҳиятига асосланади. Шу боис “Қобуснома”да ҳам эстетик қадриятлар ахлоқий қадриятларга асосланиб баён қилинган. Асар қирқ тўрт бобдан иборат бўлиб, унда ота-онани ҳурмат қилиш гўзаллигидан тортиб, хунар ўрганиш, сухандонлик, қарилик ва йигитлик сифатлари, меҳмоннавозлик, севги-муҳаббат, мол-дунё тўплаш, бировнинг омонати, уйланмоқ ва фарзанд тарбияси, тижорат, шоирлик, ҳофиз-созандалик, подшоҳ хизмати, сипоҳийлик, деҳқончилик ҳақида ва живонмардлик каби инсоннинг гўзал фазилатлари ҳақида сўз боради. Доно панд-насихатлар мазмуни гўзал хулқли, комил инсонга қаратилган бўлиб, улар илоҳий ва дунёвий гўзалликларни қадрлашга даъват эътилганини кўришимиз мумкин.

Машхур аллома Умар Хайём ҳам эстетика ривожига катта ҳисса кўшган. “Дунёда яхши нарсалар кўп ва уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг кела олмайди. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади”, деб ёзади Умар Хайём “Наврўзнома” асарида.

Шарқ халқлари қадимдан гўзалликни жамият тараққиётининг ва инсоний муносабатлар ривожининг мезони, деб билганлар. Одамларда чинакам инсоний-ахлоқий фазилатларни шакллантириш орқали ижтимоий тараққиётининг онглилигига эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Масалан, Абу Али ибн Сино ҳаёни – инсоннинг абадий гўзаллиги ва

латофатига, ҳаёсиз юзни эса жонсиз жасадга ўхшатади. Ҳақиқатан ҳам, шарм-ҳаё, ор-номус бор жойда гўзаллик тантана қилади. Ибн Сино эстетиканинг бир бўлими мусиқага ҳам катта эътибор берган ва мусиқага оид асарлар ёзган. Шулардан бири «Мусиқа билимига оид тўплам» бўлиб, бунда товушнинг сезги аъзоларига таъсири, унинг ёқимли ва ёқимсизлиги, товушни эшитганда лаззатланиш ё нафратланиш ҳиссининг пайдо бўлиши каби масалаларга тўхтайдди. Унда мусиқанинг киши ҳаётида қанчалик зарурлиги ҳақида ҳам фикрлар баён этилади. Олимнинг фикрича, инсон табиатан ёқимли нарсалар орқали енгил тортса, унинг аксида ороми йўқолиб, нафрати пайдо бўлади. Ибн Сино мусиқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этади. Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари у яшаган давр мусиқа илмидан жуда муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир.

Абу Райҳон Беруний ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол – булар иккови ҳам ёқимли бўлиши кераклигини, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қилишларини, лекин шакл чиройи она қорнида ато қилиниши, уни ўзгартириш ҳеч бир зотнинг кўлидан келмаслигини айтади. Аммо хулқ-атворга келсак, уни инсоннинг ахлоқ китобларида айтилганидек даволаб, тарбиялаб, гўзал-покиза тутиб, ёмон ҳолларга туширмаслик мумкинлигини таъкидлайди. Ҳар бир шахсда шарм-ҳаё, озодалик, нафис дид, ифбат, латофат, ширинсуханликнинг таркиб топиши турмушнинг янада гўзал бўлишига олиб келади.

Алишер Навоий фалсафий, адабий-эстетик қарашлари марказида комил инсон тарбияси, унинг олам гўзалликлари орасидаги ҳаёт тарзи қандай бўлиши керак эканлиги ҳақида гапирган. Навоий гўзалликни, нафис санъатни юксак қадрлаб, нафис санъат инсон маънавий олами, камоли учун қалит эканини таъкидлайди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг эстетик қарашларида шеърини санъат, мусаввирлик, шаҳарсозлик, мусиқа ҳақидаги мулоҳазалари муҳим ўрин тутади.

Эстетика шахснинг эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга боғлиқдир. Халқ педагогикаси эстетиканинг “гўзаллик – ҳаёт демакдир” деган қоидасидан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётдаги, меҳнатдаги, турмушдаги, кишилар муносабатидаги гўзалликда иштирок этишини, унинг ҳаётни, санъатни идрок эта билиш қобилиятини шакллантиришни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди. Агар инсон эстетик жиҳатдан тарбияланган бўлса, у ҳар қандай қийин ишда гўзалликни кўра олади ва уни завқ-шавқ билан бажаради. Болаларни ўраб тургадиган чиройли нарсаларнинг ўзи болага ҳеч нарса бермайди, шунинг учун болаларни уларни кўришга, кадрлашга, баҳолай билишга ўргатиш керак.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак эстетик тарбияни ёш авлодга ўз вақти ва ўрнида сингдириб борсак, уларнинг табиатга, атроф муҳитга ва жамиятга бўлган қарашлари ҳамда муносабатлари ҳам ижобий ва гўзал бўлади.

Адабиётлар

1. Ибрагимов Х ва б. Педагогика назарияси. Т.; “Фан ва технология”, 2008
2. Н.А.Кушаев Эстетик тарбия асослари. Т.; “Ўқитувчи”, 1998
3. Д.Содиқова ва б. Ёш авлоднинг воқеликка нисбатан эстетик муносабатини ривожлантириш. “Фан, таълим ва амалиёт” Мажмуасининг долзарб муаммолари. Тошкент - 2014й (63-64б)
4. Д.Содиқова ва б. Ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик шарт шароитлари. “Фан, таълим ва амалиёт” Мажмуасининг долзарб муаммолари. Тошкент - 2014й (91-92б)
5. Sodiqov, N. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
6. Sodiqov, N. (2020). DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

- 7.Sodiqov, X. (2018). THE ESSENCE OF THE CONCEPT "COMMUNICATIVE-SPEECH CULTURE" OF THE FUTURE TEACHER AND HIS THEORETICAL MODEL. Central Asian Journal of Education, 2(1), 13-17.
- 8.Sodiqov, H. (2020). PLACE OF FOLK SONGS IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF THE STUDENT-YOUTH. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-10.
- 9.Sodiqov, H. (2020). HIGHER STUDENTS IN PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ISSUES OF EDUCATION AS A SPIRITUAL PERSON. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.
- 10.Sodiqov, H. (2020). SPIRITUAL MORALITY OF SOCIETY AND FAMILY HARMONY TRENDS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.
- 11.Sodiqov, H. (2020). WAYS TO GAIN PEDAGOGICAL SKILLS. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 12.Sodiqov, H. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 13.Sodiqov, H. (2020). TECHNOLOGIES FOR DEVELOPING STUDENTS'COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 14.Sodiqov, H. (2020). ADVANTAGES OF FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 15.Sodiqov, H. (2020). Use of mass educational measures in upbringing of harmoniously developed generation. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 16.Sodiqov, H. (2020). The educational significance of hadiths in human spiritual maturity. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 17.Sodiqov, H. (2020). Abu Nasr Faroobi's views on education. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 18.Sodiqov, H. (2020). General pedagogical views of Abu Ali ibn Sina. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 19.Sodiqov, H. (2020). Specific aspects of the organization of independent

education. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

20.Sodiqov, H. (2020). DUXOVNO-NRAVSTVENNYE PRINTSIPY HARMONII OBshchESTVA I SEMI. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-12.

21.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

Sodiqov, H. (2020). Family, school cooperation in the upbringing of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

22.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. Архив Научных Публикаций JSPI.

23.Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).

24.Sodiqova, D. (2020). Buyuk allomalarimiz asarlarida oilada bola tarbiyasining ahamiyati haqida qarashlari. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1).

25.Sodiqova, D. (2020). Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда тушунчалардан фойдаланиш. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1).